
Мардлар қўриқлайди Ватанни!

Бугун шу шиор остида туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.

Унда туман ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фаҳрийлари ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда фаол ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда туман ҳокими А.Джурабаев барчани байрам билан табриклаб, бугунги тинч ва осуда кунлар учун жон фидо қилган юртдошларимиз фаҳримиз эканлигини таъкидлади.

Туман маданият бўлими санъаткорлари, таълим муассасалари тарғиботчилари, ижодкорлар, ёш ва умидли хонанда Беҳзодбек Баҳтиёров ҳамда туризм ва спорт бўлими қошидаги "Қалқон" жамоаси аъзоларининг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнгида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол бўлган мураббийлар ва ижодкор ёшларга туман ҳокимининг ташакурномаси топширилди.

2022-01-15 13:14:44